

Имоним комилки, аввалига учовимиздан бирортамизнинг ҳам миямизда банкни талаш фикри йўқ эди. Хаммаси Чарлз Эшлининг зукколигидан бошланди. Мен билан Мел Харрисон эса даҳо кандай килиб мураккаб муаммоларни еча олишини кўришга кизикканимиз туфайли бу ишга аралашиб колдик.

Хаммаси Мел иккимиз Чарлзнинг уйида уй вазифасини бажарган окшомдан бошланди. Биз вазифаларни бажариб бўлгач, уй-уйимизга таркалишдан олдин бирпас лакиллаб ўтирдик. Сухбатимиз жиноятчилик хакида эди.

Чарлз хар доимгидек завк билан сўзларди. Унинг айтишича, аклли одамларнинг конунни бузишга эҳтиёжлари йўқ бўлиб, бойиб кетишнинг кўплаб йўллари бор экан.

-Билишимча, Вилли Саттон бир нечта муваффакиятли, пухта ўйланган банк ўғирликларини амалга оширган,-дедим мен.

Чарлз кинояли илжайди.

-Умрининг колган кисмини турмада яқунлаш муваффакият хисобладими, Гарри? Адашмасам, Виллига 135 йил беришган. У ҳеч қачон хамма майда-чуйдаларни хисобга олмаган. Хар сафар Вилли иштирокидаги талончиликдан сўнг унинг ташки кўриниши хакида радио ва телевидениеда жар солишган, хар бир бурчакда унинг «кидирувда» деган ёзувли сурати осиглик турган. Хакикий аклли талончи шундай бўлиши керакки, у банкни ўмарганидан кейин ҳеч ким ундан шубхаланмаслиги керак. Мен банкни талашим ва бемалол яширинмасдан юришим мумкин.

-Сенга банкни талашнинг нима кераги бор?-деди Мел.-Барибир банкдаги пулларнинг ярми сеники-ку.

-Хамма гап мана шунда,-деди Чарлз.-Аслида, омадли жиноятчи деб пулга эҳтиёжи йўқ одамга айтилади, чунки у акллилиги учун пулни конунни бузмасдан топиши мумкин. Уни жиноятга ундовчи сабаб эса пулга эга бўлиш эмас, бошка нарса бўлади. Масалан, ўзининг зукколигини кўрсатиш истаги бўлиши мумкин.

-Агар мен банкни таласам, факат пул учун талаган бўлардим,-гап ташладим.-Менинг отам мултимиллионер эмас.

-Меники ҳам,-деди Мел.-Чарлз, агар сенга пул керак бўлмаса, сенинг улушингни ҳам олган бўлардим.

Аслида Чарлз Эшли ўзи бир тсент ҳам топмасди. Унинг отаси мамлакатдаги энг бой нефт саноатчиларидан бири эди ва Чарлзнинг шахсий бойлиги ҳам отасининг бевосита бошқарувида эди. Чарлзнинг ўзи ҳам бировнинг кўмагисиз бемалол бойиб кетиши мумкин эди, чунки у мен умримда кўрган энг аклли инсонлардан бири эди.

Биз хаммамиз Лос-Анжелесдаги Калифорния университетининг юкори боскич талабалари бўлиб, орамиздаги дўстлик талабаликнинг илк кунлариданок бошланган эди.

Чарлз тугма истеъдод сохиби бўлиб, юкори боскич сардори, «Фи-бета-каппа» талабалар тўгараги президенти, зукколар гуруҳи етакчиси эди. У хамма фанлардан факат аъло баҳога ўқирди. Унинг биргина камчилиги-кизлар билан гаплашгани уяларди. Бунга менимча унинг спортнинг бирорта ҳам тури билан шугуллана олмаслиги сабаб эди. Мел Харрисон эса аксинча, гавдали, коллок талабалардан эди. У эплаб-сеплаб ўрта баҳога илашиб юарди. Аммо Чарлз аклан канчалик етук бўлса, у ҳам жисмонан шунчалик етук эди. Мел университет футбол терма жамоасининг етакчи химоячиси, тош кўтариш, найза ва диск улоктириш, кураш бўйича талабалар ўртасида чемпион эди.

Шахсан менга келсак, мен-Гарри Уорс ўртача йигит эдим. Ўзимни унчалик ҳам зўриктирмаган холда яхши бахога ўқирдим. Чарлз Эшлининг мен билан дўстлашишига менинг кизлар билан жуда тез ва осон тил топишим сабаб бўлган бўлса керак деб ўйлайман. Бундан ташқари, мен мерган ҳам эдим. Йигирма иккинчи калибрли оптик мўлжалли милтикдан 50 ярд наридаги тангани ура олардим.

Чарлз усти очиладиган кимматбахо автомашина минар, Санта-Моникадаги тўрт хонали уйда турарди. Мелнинг ота-онаси ўзларига тўк бўлишмаса-да, унга тез-тез пул жўнатиб туришар, у ҳам хар калай минилган бўлса-да ўз машинаси ва яшаш жойига эга эди. Уларнинг ичида энг камбағали мен эдим. Мен Лос-Анжелесдаги эски бир кулбада ижарада турардим. Ижара хаки ва емок-ичмогимни таъминлаш учун хар куни кечкурун ресторанда бир ярим соат офитсиантлик килардим. Ёзда фабрикада ишлаб, ўқиш ва бошка харажатларим учун пул топардим. Менинг 1950 йилда ишлаб чиқарилган автомобилим бўлиб, уни атиги 25 долларга сотиб олгандим.

Мавкеимиздан катъи назар, биз кадрдон дўстлар эдик. Чарлз хеч қачон ўзининг бойлигини пеш килмас, биз ҳам ўз навбатида унинг пулига тайёр емакхўрлик килмасдик. Аммо барибир, аксарият холларда биз унинг вино ёки ликёрига шерик бўлардик, чунки унинг уйи бизнинг йигиладиган паккамиз эди. Агар бирор жойга чиқадиган бўлсак, бу бирорта арзонрок ресторан бўларди.

Чарлз сўзида давом этди:

-Муваффақиятли жинойтнинг энг асосий омили шундаки, хеч ким сени жинойт содир этганликда гумон кила олмайди. Ана шунда мамлакатдан кочиб кетишга ҳам, яшириниб ёки бирортаси таниб қолишдан кўрқиб юришинга ҳам хожат қолмайди. Сен бемалол уйингда ухлашинг, одатий хаётингни давом эттиришинг мумкин бўлади. Хаттоки, сен куни кеча талаган банкингга ҳам хеч кўрқмасдан кириб боришинг мумкин.

-Бу осон бўлмаса керак,-деди Мел.-Кандай қилиб бунга эришиш мумкин?

-Никобланиш,-жавоб қилди Чарлз.-Аксарият жинойтчилар жинойт содир қилгандан кейин никобланишга уринишади, аммо мен жинойтга қўл уришдан олдин никобланган бирорта ҳам ақлли жинойтчи хақида эшитмадим.

Чарлз қўли билан қандайдир ишора қилди ва гапида давом этди:

-Мен оддий никобни назарда тутаятганим йўқ. Мен одамнинг ташки кўринишини бутунлай ўзгартирадиган, аммо никоблиги билинмайдиган никобланиш хақида гапиряпман. Бу шунчаки ясама сокол эмас, балки Голливуд гримчисининг хақиқий иши бўлади. Бирор филм учун актёрнинг ташки кўринишини қанчалик ўзгартиришларини яхши биламиз. Гримчилар юз шаклини ўзгартириш учун махсус матолар ёпиштиришади, буруннинг ўлчами ва шаклини ўзгартиришади, хаттоки янги кулок ҳам ўрнатишлари мумкин. Махсус воситалар ёрдамида гавда тузилишини ҳам ўзгартирса бўлади. Тўғри, буларнинг ҳаммаси юксак махоратни талаб қилади. Бенжамин Фаст шунчаки ҳазил тарикасида иккита машхур актёрнинг юз киёфаларини бир-бириникига шунчалик ўхшатганки, улар минглаб томошабинлар олдида гримларини олишгачгина бу ёлгон фош бўлган.

Дастлабки суҳбатимиз шу руҳда кечди. Бир неча кундан кейин, якшанба куни биз унинг уйида пиво ичиб, мусика эшитиб ўтиргандик. Кутилмаганда Чарлз галати овозда гап бошлаб қолди:

-Хурматга сазовор омонатчининг битта устунлиги борки, бунга Вилли Саттон ҳасад қилган бўларди.

Биз унинг нимага шаъма қилаётганини тушунмадик.

-Ўзинглар биласизлар, менинг ҳисоб рақамим «Кексон траст» банкида,-давом этди Чарлз.-Банк бу ердан саккиз квартал нарида, Уилшир кўчасида.

-Банкинг қаердалигини яхши биламиз,-дедим мен.-Хар сафар банкка пул кўйганигда бу бинонинг деворлари ташкарига силжийди.

Чарлз илжайди.

-Жума куни тушдан кейин мен банкка пул кўйдим ва банк президенти билан бирпас гаплашиб колдим. У менга илтифот кўрсатди ва банк билан таништирди. У ўзининг асосий омонатчисига жуда ишонганидан менинг хар қандай саволимга жавоб берди. Саволларимдан бири банкдаги пулларнинг қанчалиги хақида эди. Одатда жума кунлари, банк ёпилишидан сал олдин банкдаги пуллар миқдори юз эллик мингга етаркан. Мел хуштак чалиб юборди.

-Банк жума кунлари соат олтида ёпилади, аммо пуллар турадиган сейф еттигача очик туради,-гапини давом эттирди Чарлз.-Бу вақт давомида хизматчилар банкдаги бор нақд пулни санашади. Банкни «тозалаш» учун тўсиқдан сакраб ўтилса бўлди, тўғри пул сакланадиган жойга кирилади. Президент менга бинонинг кўриклаш тизимини ҳам кўрсатди.

Мел ҳам, мен ҳам жим кулок солиб турардик. Чарлз ёзув столи олдига бориб галадонлардан бирини очди ва ичидан бир варақ коғоз олди. Коғозга бинонинг режаси чизилганди.

-Банкми бу?-сўрадик Мел иккимиз.

-Ха. Мана бу Уилширга олиб чиқадиган асосий эшик, мана бу эса бино орқасидаги автомобиллар турадиган жойга олиб чиқадиган орқа эшик. Банкка кириш ва ундан чиқиш мумкин бўлган эшиклар фақат мана шулар. Мана бу узун, ингичка тўртбурчак тўсиқни билдиради, бўшлиқлар эса эшиклар. Оператсияни амалга оширувчи ходимлар ўнг томондаги тўсиқлар орқасида ўтиришади. Сал тепарокда ҳисоб-китоб бўлими, чапда кредит бўлими жойлашган. Жума кунлари банк президенти соат бешда уйига кетади.

-Мана бу нима?-сўрадим ўнг бурчакда жойлашган квадратни кўрсатиб.

-Бу телефон коммутатори. Банкда аввал олд эшикни, кейин орқа эшикни кулфлайдиган биттагина кўрикчи бор. Талончилик банк ишни тугатган захоти бошланади.

Мел иккимиз буларнинг барчасини шунчаки хазил деб қабул қилдик. Аммо барибир Мел саволдан ўзини тиёлмади:

-Иккала эшик ҳам ёпик бўлса, ичкарига қандай қирамиз?

Чарлз кинояли илжайди:

-Биз бу вақтда банкда бўламиз. Банк ёпилишидан сал олдин ичкарига қирамиз ва бирорта хужжатни тўлдираётганга ўхшаб оламиз. Гаррининг кўлида ичига коп солинган дипломат бўлади. Банкда бошқа миқдорлар ҳам бўлиши мумкин. Улар ҳам ишларини тугатиб орқа эшикдан чиқиб кетишади. Кўрикчи бу вақтда ўша ерда хар бир чиқиб кетаётган одамга эшикни очиб бериб турган бўлади. Зал бўшаши билан ишга киришамиз.

-Қандай қилиб?-қизикдим мен.

-Мел шу захоти орқа эшикка бориб кўрикчини курулсизлантиради.

-Биз нима қиламиз, Чарлз?

-Мен телефон коммутаторининг олдига бораман ва омбир ёрдамида бинодаги телефон алоқасини узаман. Кейин эса тўппонча ўқталиб банкнинг барча ходимларини зал ўртасига тўплаб, ерга ётқизаман. Бу вақтда сен пуллар сакланадиган хонага кириб, копларни тўлдирасан ва залга қайтиб чиқасан.

-Кўриклаш сигнализатсияси-чи?-Чарлзнинг гапини бўлди Мел.-Бирортаси тугмани

босишга уриниши мумкин.

-Сигнализатсия ишдан чиқарилган бўлади. Банкдан сал нарирокда бутун квартални ток билан таъминлайдиган трансформатор кутиси бор, симни узсак бўлди.

-Хамминг кўз ўнгида симёгочга чиқамизми?-сўрадим иккилашиб.

-Асло ундай қилмаймиз,-деди Чарлз,-сенинг мерганлик истеъдодингдан фойдаланамиз. Кути кўчанинг бурчагида жойлашган. Бештакам олтиларда у ерга машинада борамиз, сен симларни ўк олиб узасан. Ўттиз ярд масофадан буни уддалай олишингга ишонаман.

-Бундай масофадан игнанинг кўзини ура оламан,-бош силкидим.-Аммо атрофда одамлар бўлса нима қиламиз?

-Нима бўпти? Бирортаси бунга фикр билдиргунча биз банк олдида бўламиз. Бунинг учун ўғирланган машинадан фойдаланамиз, ўзимизнинг машинамизни эса аввалроқ кўшни кварталга қўйиб қўямиз. Тўполон кўтарилгунча биз машинани алмаштириб, менинг уйимга келамиз ва никобларимизни ечамиз.

Энди факат Бенжамин Фаст бизни грим қилиши колганди, холос.

Жума куни Мел билан кеч соат тўққизларда Чарлзнинг уйига келдик. Аввалига менга эшикни нотаниш киши очгандек туюлди, чунки бу киши Чарлзга мутлако ўхшамасди: ёноклари туртиб чиққан, бурни узун, сочларига ок оралаган ва пешонаси тўла ажин эди. Аммо синчиклаб карагач, хохолаб кулиб юбордим. Бир оздан сўнг ўзига келган Мел ҳам кулиб юборди. Чарлз бизга ўқрайиб караб қўйди ва ичкарига кириб кетди. У каттик асабийлашганди, чунки унинг юксак даражада никобланиш хақидаги фикрлари чиппака чиққанди.

Чарлз юзидаги гримни тозалаб хонага қайтгунча ўн беш дақиқа вақт ўтди.

-Бу воқеа мен томонидан олдинги суҳбатларимизда илгари сурилган фикрнинг яққол исботидир,-деди Чарлз нотикларча.-Мохирлик билан қилинмаган грим бизни каноатлантормайди. Моҳир уста Фастнинг биз учун ишлаши аниқ. Бу ишимиз иккинчизга фойда келтиради-пулни икковингиз бўлишиб оласизлар.

-Банкни талаганимиз учун бизга ўн йилдан беришади,-дедим мен суҳбатимизга янги мавзу киритиш мақсадида.

-Факат жинойтчилар қўлга олинса,-деди Чарлз куруккина қилиб.-Режамнинг мукамаллиги шундаки, хавфсизлигингиз юз фоиз кафолатланади. Хўш, сизларнинг иштирокингизга умид қилсам бўладими?

Биз розилик маъносида бош силкидик.

Талончиликка оид бошқа икир-чикирлар Чарлзнинг уйида кейинги якшанбадаги йигилишимизда муҳокама қилинди. Мел иккимиз режа яқунланиш арафасида эканлиги ва банкни талаш жума кунига мўлжалланганлигидан хабардор бўлдик.

-Бир катор масалаларни ойдинлаштириб олишимиз керак,-деди Чарлз.-Гарри, жумагача қурол топа оласанми?

-Машгулотлар тугагач, қуроллар махсус жавонга солинади ва жаноб Женнер соат бешда уйига кетади. Уйга кетаётганда қуролни жойига қўйишимни айтиб, пайшанба куни қўшимча машгулотга руҳсат олишим мумкин. Кейинги машгулот бир ҳафтадан кейин бўлади, унганча қуролни қайтариб жойига қўйиб қўяман.

-Зўр. Энди йигитлар, машина масаласига келсак. Энг яхшиси, Мелнинг машинаси. Банка киришдан икки соатча олдин Мелнинг машинасида Лос-Анжелес марказига бориб олгач, бирор автомобилни ўғирлаб талончиликка йўл оламиз.

-Фаст-чи, нахотки у ҳам бизга шерик бўлишга розилик берган бўлса?-қизикди Мел.

-Мен барча керакли чораларни қўриб қўйганман,-уни ишонтиришга уринди

Чарлз.-Шахарнинг японлар кварталдаги бўш дўконнинг ертўласини ижарага олганман. Чарлз шу сўзларни айтarkan, бизга манзил ёзилган когоз парчасини узатди.

-Фаст хар биримизни грим килиш учун соатлаб вақт сарфлаши мумкин, шунинг учун кеч колмасдан соат роппа-роса ўнда шу манзилга етиб келинглар.

-Тўппончаларни каердан оламиз?-сўрадим мен.

-Учта тўппонча, ўқлар, дипломат ва коплар ертўлада турибди.

Мел иккимизнинг саволларимиз тугаб, уй-уйимизга таркалдик.

Чоршанба куни эрталаб нонушта килаётиб «Лос-Анжелес таймс» саҳифаларига кўз

югуртирар эканман, кутилмаганда машхур гримчи, «Оскар» мукофоти лауреати

Бенжамин Фаст кариндошининг дафн маросимини ўтказиш учун мамлакат шаркига учиб

кетгани хакидаги хабарга кўзим тушиб колди. Мен Чарлзлар дарс ўтиши лозим бўлган

физика факултети биносига ўқдек учиб етиб бордим ва уни залда тўхтатдим.

-Дахо режалаштирувчимиз мана бу хабарга кандай фикр билдирадилар?-дедим захархандалик билан.

Чарлз менга караб кинояли илжайди:

-Кария, ўзингни бос. Фастнинг бир неча кун студияда бўлмаслигини пардалаш учун мана шундай хабар чоп этилган.

Мен чўкаётган одам хасга ёпишгани каби унга илтижо килдим:

-Банкни ўмаришни хар томонлама пухта режалаштириш учун яна бир марта учрашсак бўлмайдимиз?

Чарлз инкор маъносида бош чайкади:

-Колганини Фаст бизни грим килаётганида маслахатлашамиз.

Жума куни биз ўқишга бормадик.

Мелнинг автомобилини белгиланган манзилдаги бино ёнига тўхтатгач, биз бир сесканиб олдик: йўлнинг шундок нариги бетида махаллий политсия бўлими жойлашганди.

Бўм-бўш дўконнинг тепасида «Япон антиквариати» деган хира ёзув кўриниб турарди.

Ертўла эшигини такилатдик ва эшик очилиб, Чарлз бизни ичкарига имлади. Биз

афтидан собик омборхонада эдик, чунки хамма ёқда картон кутилар сочилиб ётарди.

Чарлзнинг уйидаги йигма стуллар ва иккита йигма каравот хам шу ерда эди.

Каравотлардан бирида олтимиш ёшлардаги бир киши детектив журнал ўқиб ўтирарди. У журнални бир четга ташлаб, бизга ёвқараш килди.

-Жаноблар, бир дакикага! Сизларга жаноб Бенжамин Фастни таништиришимга рухсат беринглар!-деди Чарлз.

Хоргин, соколлари ўсиб кетган бу кишининг ахволини кўриб, ўзимни саволдан тия олмадим:

-Бу киши бу ерга ўз ихтиёри билан келганми?

-Албатта, йўк,-деди Чарлз хотиржамлик билан,-чоршанба куни кечкурун унинг уйига бостириб кириб, тўппонча тираб уни бу ерга олиб келдим. Сўнгра эса студияга кўнгирик килиб, ўзимни унинг дўсти деб таништирдим ва таникли гримчи кариндошининг дафн маросимига кетганини айтдим.

-Одам ўғирлаганлик учун бир умрлик камок жазосини олишимиз мумкин!-бўгик овозда деди Мел.

-Качонки ўғирланган одам учун пул талаб килинса ёки унга тан жарохати етказилса. Биз бор-йўги одам ўғирлаб, унинг эркин харакат килишига йўл кўймаймиз холос: бу ердан чикиб кетаётиб Фастнинг оёк-кўлини боглаб, оғзига латта тикиб кўйгандим. Бу жиддий жазога тортадиган конун бузилиши эмас. Бундан ташқари, мен унга хурмат билан

муносабатда бўлдим.

-Энди тушундим: сен аклдан озиб колибсан. Мен одам ўғирлаш жиноятига шерик бўлмайман ва ўйиндан чикаман,-деди Мел.

-Иш пишган пайтда-я?!-эътироз билдирди Чарлз.-Мана буни кўр!

У шундай деб халтадан жаноб Фастнинг буюмларини чикарди.

-Жаноб Фаст хар биримизга мос келадиган гримни танлаб кўйган.

«Чарлз бу бечора кишини тирик ва сог чикармайди» деган фикр хаёлимдан яшин тезлигида ўтди. Албатта, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас: гримчи талончиларнинг ташки кўринишини биладиган ягона гувоҳ. Аммо етмиш беш минг долларга эга бўлиш орзуси мени ўзига шунчалик ром этдики, Фастнинг ўлдирилиши хам талончиликдан воз кечишимга тўскинлик килолмасди.

Мел иккиланганча елкасини кисиб бошини кашлади:

-Нима хам дердим, унда жаноб Фастнинг юксак махоратини кўрамиз.

Гримчи ишга жон-жаҳди билан киришди. Хаммамизни грим килиш учун унинг тўрт соат вақти кетди, аммо ишини олий даражада адо этди.

Махсус ёпишқок тасма ёрдамида у кўзларимиз ва лабларимизнинг шаклини ўзгартирди, кулокларимиз хам бошқача кўринишга кирди, бўёқлар ёрдамида сочларимизнинг ранги бошқача тус олди, эгилувчан пластик найчалар бурнимизнинг чўзинчок бўлишини таъминлади, махсус катлам эса грим изларини беркитиб, кўринишимизга табиийлик берди.

Биз бир-биримизга диккат билан тикилганча гримни фош этадиган бирор изни топишга уринардик. Шу пайт Бенжамин Фастнинг паст овози кулогимизга чалинди:

-Ташқари иссикмасми?

-Аксинча, салкин,-дедим мен.

-Ундай бўлса гримингиз окиб кетмайди. Юзингизни буриштирмасангиз, грим соатлаб туриши мумкин. Энди кетсам бўладими?

-Йўк,-деди Чарлз.-Афсуски, сизни охирги марта-соат еттигача боглаб кўйишга мажбурман, кайтиб келгач, сизни кўйиб юборамиз.

Соат ўн бештакам учларда биз ахмокона режамиз котиллик билан якунланиши мумкинлигини хам ўйлаб ўтирмасдан Мелнинг автомобилига ўтирдик.

-Ишкилиб, гримчи политсияни бу ерга олиб келсаю, улар ертўлани ижарага олган одам кимлигини суриштиришса бизни топиб олишмайдими?-сўради Мел.

Чарлз одатига кўра илжаймокчи бўлди, бироқ Фастнинг маслахати ёдига тушиб ўзини тийди. Аммо унинг кўзларида киноя акс этди.

-Умуман олганда, омборхона ижарага олинмаган, машинада айланиб юриб, шу ерни кўзлаб кўйгандим.

Талончилик учун мўлжаллаган машинамизни Хоуп кўчасида топдик-бу ойналари очик холда турган седан эди. Мел соатига кўз ташлаб, ихтиёримизда яна икки соат борлигини маълум килди.

-Балки колган вақтни банк билан танишишга сарфлармиз?

Менинг бу ташаббусим шу ондаёқ маъқулланди. Бир оздан кейин биз банк биниси ичида турардик.

Мен деворга ёпиштирилган турли эълонларни ўқишга тутиндим. Аслида эса бутун диккат-эътиборим сейф томон олиб борадиган эшикда эди. Банкда ишлайдиган кизлардан бири ўтирган ўрнидан туриб ёнимга келди ва ўз ёрдамини таклиф килди.

-Мен дўстимни кутяпман,-мингирладим охирги сўзимни ичимга ютганча. Унинг нигохи

худди киёфамни суратга олаётгандек таассурот колдирди.

Биз машинага кайтганимизда Мел ўзини ўриндикка ташлади ва тўнгиллади:

-Ўн долларимни майдалаб берган пешойна ортидаги киз кўзлари билан мени тешиб юборай деди!

Чарлз унга истехзоли каради:

-Сенга шундай туюлгандир. Биз банкка кираётганимизда залда юрган дўмбоккина кишини кўрдингларми?

-Кулранг костюмлими?-деди Мел.

-Ха-ха. У банк президенти бўлади. У менга диккат билан каради, аммо кимлигимни сезмади. Демак, бу гримимизнинг нақадар юксак даражада тайёрланганидан далолат беради!

Колган бир ярим соатни оператсиямизнинг майда-чуйда тафсилотларини муҳокама қилиш билан ўтказдик. Йигирматакам олтида Чарлз моторни ўт олдирди, бештакам олтида эса машинамиз кимсасиз торкўчалардан бирида турарди. Машинадан тушиб, трансформаторни нишонга олдим ва иккита ўк билан бутун квартални, жумладан банк биносини ҳам электр билан таъминлайдиган симларни узиб ташладим. Иккитакам олтида орқа эшикдан банкка кирдик ва учаламиз залдаги учта стол тарафга юрдик.

Марказий стол олдига келиб, кўлимдаги дипломатни ерга кўйдим ва кайднома варакаларидан бирини олиб ўзимча тўлдирди бошладим.

Банк ёпилиши олдидан одамнинг бу даражада кўпайиб кетгани мени хайрон колдирди: бешта пешойнанинг ҳар бирида камида ўнтадан одам навбат кутиб турарди. Яна бир ҳолат ҳам менда ноҳуш ҳис уйғотди: деярли барча миждозлар гавдали эркаклар эди.

Кутилмаганда навбатда турганларнинг иккитаси икки томондан мен турган столга қараб юра бошлашди. Шу лаҳзада Мел билан Чарлз томонга ҳам бир жуфтдан барзанги кетаётганига кўзим тушди ва юрагим кинидан чиқиб кетгудай ура бошлади. Аммо кеч бўлганди! Мен ўгирилишга ҳам улгурмай чап биқинимга совук тўппонча тиралди, ўнг тарафимдаги эркак эса кўлларимни қайириб қишан солди. Ёнимдаги тўппонча, коплар солинган дипломатим эса кўздан гойиб бўлди. Мел билан Чарлз ҳам кўллари қишанланган ҳолда туришарди.

-Жанговар тайёргарлик билан келибсан-да, Зип?-деди барзангилардан бири менга қараб.

Колган «миждозлар» ҳам бизни ўраб олишаётганини алам билан кузатарканман, биз тўғри Федерал Кидирув Бюросининг каттагина гуруҳи кўлига тушганимизни тушундим.

-Салом, Ред,-деди яна бирови Мелга қараб.-О-о, эски танишимиз Гофер Стейси ҳам шу ерда-ку! Сизларни банкка қуппа-қундуз қуни қелишга нима мажбур қилди? Дарвоқе, сизларнинг битта гуруҳда ишлаётганингиз биз учун сюрприз бўлди. Бизга банкдан кўнгирик қилиб, сизларнинг қелганингизни айтишмагунча, бир-бирингиз билан таниш эканлигингизни ҳам билмасдик!

-Бу нима деганингиз? Биз ҳеч қандай қонунга ҳилоф иш қилганимиз йўқ,-Чарлз нима бўлаётганига тушунмай эътироз билдиришга уринди.

Федерал Кидирув Бюроси ходими хоҳлаб қулди:

-Бу сафар ҳам сувдан қурук чикмоқчимсан, Гофер? Омадимиз қелганини қара, бирданига учта қидирувдаги ашаддий жиноятчиларни қўлга олдик! Сизлар тентакмисизлар, нима бало! Ахир учалангизнинг ҳам башарангиз акс эттирилган суратлар барча политсия бўлимлари ва банк ходимларига тарқатилган-ку. Бундан ташқари, вақти-вақти билан детектив журналларда ҳам суратларингиз чоп этилиб

турарди.

«Детектив журналларда ҳам...», дедим ичимда ниҳоят қандай воқеа юз берганини англаб. Ҳа, буюк гримчи Бенжамин Фаст бизни боғлаб ҳув туширганди.

Дилшодбек Аскарлов таржимаси.